



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкida
коррупциявий хавф-
хатарларни баҳолаш
Услубиёти

(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг
2022 йил 24 сентябрдаги 21/8-сонли қарори билан тасдиқланган)





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

Мазкур услубиёт Ўзбекистон
Республикаси Марказий банки
фаолиятида коррупциявий
хавф-хатарларни аниqlаш ва
баҳолаш тартибини белгилайди.

Марказий банқда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсадлари қуидагилар ҳисобланади:

1

- Марказий банк фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини аниқлаш;

2

- коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Марказий банқда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилда камида бир марта ёки қуийдаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

Коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

Функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи ички ҳужжатлари ўзгариши;

Марказий банк тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши.

Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш куйдагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутади:



коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;



коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

Ушбу Услубиётда қуидаги тушунчалардан фойдаланилади:

- ❖ **коррупциявий хавф-хатар** - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёҳд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;
- ❖ **қолдиқ хавф-хатар** - аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;
- ❖ **коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** - Марказий банк фаолиятини (вазифа ва функциялар) таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;
- ❖ **коррупциявий хавф-хатарлар ҳаритаси** - Марказий банкнинг фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функциялар (жараёнларни) амалга оишришга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари, қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси, коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чоратадбирларини амалга ошириш учун масъул ижрочиларни ўз ичига олган ҳужжат;
- ❖ **коррупцияга оид ҳукуқбузарлик** - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш коррупцияга қарши комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилма ва/ёки масъул шахс ёки маҳсус тузиладиган Ишчи гурӯҳ томонидан амалга оширилади.


Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гурӯҳ коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнини ташкиллаштиришади ва мувофиқлаштиришида;
2. коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқишиади;
3. коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиши;
4. агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини такомиллаштириш;
5. ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гурӯҳ зарур ҳолларда таркибий бўлинмалардан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олиши мумкин.

Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби

Марказий банкда хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёни тегишли буйруқ (фармойиш) асосида амалга оширилади.



Марказий банк фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади.

Ички ахборот манбалари қуидагилардан иборат:

Марказий банк фаолиятида вазифа ва функцияларнинг ҳуқуқий асоси, таркибий бўлинмалар низомлари, ходимларнинг лавозим йўриқномалари;

назорат материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг йиғилиш баённомалари;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари;

Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гурӯҳ томонидан ўтказилган сўрвномалар натижалари ва бошқалар.

Ташқи ахборот манбалари қўйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарликлар
тўғрисидаги мурожаатлар
(хабарлар) ва статистик
маълумотлар;

Марказий банк фаолияти
(вазифа ва функциялари)
юзасидан ўтказилган
сўрвномалар, шу
жумладан социологик
тадқиқотлар натижалари;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органлар томонидан тақдим
этилган материаллар ва
бошқалар.

Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гуруҳ томонидан коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қуидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим:

-  **ходим томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;**
-  **Марказий банк томонидан фаолиятидаги вазифа ва функцияларини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;**
-  **ўз вақтида қарор қабул қиласлиқ, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;**
-  **ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қиласлиқ тўғрисида оммавий ахборот воситаларидағи маълуомотлар;**
-  **электрон маълумотлар базаларига ёлғон маълумотларнинг киритилиши;**
-  **хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;**
-  **ваколатларни амалга оширишда маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғ-аймокчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги.**

Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қуидаги ўлчовларда баҳоланади:

Эҳтимолликни баҳолаш (юз бериш эҳтимоли)	<i>Оқибатлар даражаси</i>		
	Паст	Ўртacha	Юқори
Юқори эҳтимоллик	Ўрта	Юқори	Юқори
Ўртacha эҳтимоллик	Паст	Ўрта	Юқори
Паст эҳтимоллик	Паст	Паст	Ўрта

Коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш бўйича МЕЗОНЛАР

Коррупциявий хавф-хатар даражаси	Мезонлар
Юқори*	Фаолият (вазифа, функция, жараён) автоматлаштирилмаган.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) тартибга солинмаган.
	назоратсиз тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) доирасида қарор лойиҳасини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилишда бир шахс иштирок этади.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён)да коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилган (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланган).
Ўрта*	Фаолият (вазифа, функция, жараён) қисман автоматлаштирилган.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) қисман тартибга солинган.
	назорат тартибида иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилишда иккита шахс иштирок этади.
Ташниж	Фаолият (вазифа, функция, жараён) да коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланмаган).

Коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш бўйича МЕЗОНЛАР

Коррупциявий хавф-хатар даражаси	Мезонлар
Паст**	Фаолият (вазифа, функция, жараён) тўлиқ автоматлаштирилган.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) тўлиқ тартибга солинган.
	жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд эмас.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилишда уч ва ундан ортиқ шахс иштирок этади.
	коррупциявий хатти-ҳаракат ва коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд эмас.

*Махсус бўлинма (ишли гурӯҳ) томонидан Марказий банкнинг фаолиятидаги вазифа ва функциялар аниқланган хавф-хатарнинг юқори ёки ўрта даражада деб баҳолаш Марказий банк раҳбарияти билан келишган ҳолда амалга оширилади.

** Марказий банкнинг фаолиятидаги вазифа ва функциялар аниқланган коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашда, агарда паст даражадаги мезонларнинг бири мавжуд бўлса, ўша коррупциявий хавф-хатар даражаси паст даражада деб баҳоланади.

Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

1

- норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

2

- инсон омилини қисқартириш ва жараёнларни (вазифа ва функцияларини) рақамлаштириш, шаффоффликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

3

- ходимлар ва учинчи шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

4

- расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

5

- хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асосиз чекловларни, ортиқча маъмурӣ тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

6

- коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик сұхбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

7

- ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга риоя қилишларини назорат қилиш.

8

- коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишда қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда баҳолаш натижалари асосида умумлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилади.


№	Таркибий бўлинма зиммасига юқлатилган функция ёки жараёнлар	Мулокотга кирувчи шахслар	Мулокотга кирувчи шахсларнинг талаблари ва улар томонидан кутилаётган натижа	Мазкур функция (жараён)ни тартибга солувчи норматив хужжат	Мавжуд коррупцион риск ёки манфаатлар тўқнашуви (идентификация)	Риск даражаси: Юзага келиш эҳтимоли ва оқибатига кўра (юкори, ўрга ёки паст)	Рискини бартараф этиш ёки минималлаштириш бўйича назорат тадбирлари (амалдаги)	Рискини бартараф этиш ёки минималлаштириш бўйича таклиф
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Банкларни лицензиялаш ва рўйхатга олиш жараёни	Банк фаолиятини амалга ошириш рухсатини берувчи лицензия олиш истагини билдирган шахслар	Бюрократик тусиқларсиз банк фаолиятини амалга ошириш рухсатини берувчи лицензия олиш	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низом	Хар кандай моддий ёки номоддий манфаатдорлик эвазига белгилаган талабларни яъни хужжатларни талаб қиласлик; Лицензиялаш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши;	Паст	Лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тўғрисидаги масалалар коллегиал тартибда кўриб чиқилади. Биринчи босқичда, масала Банк назорати кўмитасида кўриб чиқилади. Кейинги босқичда, масала кўриб чиқиши ва қарор қабул килиш учун Марказий банк бошқаруви кун тартибига киритилади. Департаментга юқлатилган вазифаларни ходимлар томонидан амалга оширишда вазифалар тақсимотини ўзгартириб туриш жорий килинган (ротация)	Илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини ўргангандо Жаҳон банкнинг техник кўмаги ёрдамида лицензиялаш тартибтаомилларини босқичма-босқич акс эттирувчи Марказий банкнинг ички регламентини ишлаб чиқиши ва шу орқали ушбу жараённинг шаффофлигини ошириш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлган коррупциявий хавф-хатарларини бартараф этиш ҳамда минималлаштириш юзасидан чора-тадбирлар дастури

т/р	Вазифа ва функциялар (жараён)	Юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлган коррупцион ризк ёки манбаатлар тўқнашуви (идентификация)	Коррупция хавф-хатарларни бартараф этиш (минималлаштириш) механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1	2	3	4	5	6
1	Банкларни лицензиялаш ва рўйхатга олиш жараёни	Қонунчиликда белгиланган хужжатларни талаб қиласлик ёки ортиқча хужжатларни талаб қилиш; Давлат божи, йигимларни ундирамаслик; Лицензиялаш жараёнида манбаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келиши;	Ортиқча маъмурий тартиб ва тўсиқларни бартараф этиш мақсадида илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиб Жаҳон банкининг техник кўмаги ёрдамида лицензиялаш тартиб-таомилларини босқичмабосқич акс эттирувчи ички регламент ишлаб чиқиш ва шу орқали ушбу жараённинг шаффоғлигини ошириш	2023 йил 4-чорак	Маъсул ходим Назорат:
2	Нобанк кредит ташкилотларини лицензиялаш жараёни	Қонунчиликда белгилаган хужжатларни талаб қиласлик ёки ортиқча хужжатларни талаб қилиш; Лицензиялаш жараёнида манбаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келиши;	Ломбард фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ўрнига ушбу фаолиятни хабарнома юбориш орқали амалга ошириш тартибини жорий қилиш; “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиявий хизматлар тўғрисида” Қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.	2023 йил 4-чорак	Маъсул ходим Назорат:

Коррупциявий хавф-хатарлар баҳолаш натижаларини умумлаштириш

Ички назорат тузилмаси томонидан Марказий банк фаолиятидаги вазифа ва функцияларидағи коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда баҳолаш натижалари асосида умумлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чықылади.



Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ва коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилади.



Қонунчилик мувоғик, муддатларда хавф-хатарлар коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур ваколатли давлат идораларига тақдим этилиши мумкин.

талабларига ўрнатилган коррупциявий харитаси,



Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурининг лойиҳаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида такомиллаштирилиши мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ

Эътиборларингиз учун раҳмат !